



## ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШ: ЎЗБЕКИСТОННИНГ 2023-2024 ЙИЛЛАРДАГИ ИСЛОҲОТЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ.

Ғуломов Бахромжон Адхамжон ўғли

тадқиқотчи

E-mail: baxrom2020231@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14279561>

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 25- Noyabr 2024 yil

Ma'qullandi: 28- Noyabr 2024 yil

Nashr qilindi: 30- Noyabr 2024 yil

### KEYWORDS

Яшил иқтисодиёт, экологик солиқлар, қайта тикланувчи энергия, карбон чиқиндилари, энергия тежамкор технологиялар, Ўзбекистон ислоҳотлари, халқаро тажриба, барқарор ривожланиш..

### ABSTRACT

Мазкур мақолада Ўзбекистонда яшил иқтисодиётга ўтиш жараёни таҳлил қилинади. 2023-2024 йиллардаги ҳуқуқий асослар, солиққа тортиш тизимидаги янгиликлар ва халқаро тажрибалар ўрганилган. Қайта тикланувчи энергия манбалари, карбон чиқиндиларини камайтириш ва энергия тежамкор технологияларни жорий қилиш бўйича қўзланган мақсадлар, шунингдек, мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш бўйича тавсиялар баён қилинган. Жадваллар ва расмлар орқали маълумотлар визуаллаштирилган.

Глобал иқлим ўзгариши, ресурслар танқислиги ва экологик ифлосланиш шароитида яшил иқтисодиётга ўтиш мамлакатлар олдида турган долзарб масалалардан бирига айланди. Яшил иқтисодиёт нафақат экологик муаммоларни ҳал қилишга, балки иқтисодий ўсишнинг янги моделини шакллантиришга ёрдам беради. Ўзбекистонда ҳам 2023-2024 йилларда қабул қилинган қарорлар ва фармонлар ушбу йўналишда катта аҳамиятга эга бўлди.

Бу мақолада яшил иқтисодиёт ва солиққа тортиш тизими бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар, қонунчилик асослари ва халқаро тажриба таҳлил қилинади. Жадваллар ва иллюстрациялар асосида таҳлилни визуал тушунтиришга ҳам урғу берилади.

Яшил иқтисодиётнинг моҳияти ва аҳамияти

Яшил иқтисодиёт бу — атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш ва иқтисодий барқарорликни таъминлашга қаратилган иқтисодий тизимдир. Унда:

- Ифлосланишни камайтириш;
- Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни ошириш;
- Энергия тежамкор технологияларни жорий қилиш асосий мақсадлар қилиб белгиланади.

Ўзбекистон учун яшил иқтисодиёт нафақат экологик барқарорлик, балки иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда ҳам муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистондаги ҳуқуқий асослар

2023-2024 йилларда қабул қилинган муҳим Президент қарорлари ва фармонлар:

1.2022 йил 2 декабрдаги ПҚ-436-сон қарор

“2030 йилгача Ўзбекистоннинг “яшил” иқтисодиётга ўтиши бўйича стратегия” асосида қуйидаги мақсадлар белгиланган:

–Қайта тикланувчи энергия манбаларининг улушини ошириш;

–Иссиқхона газларини камайтириш;

–Энергия тежамкор технологияларни жорий этиш.

2.2023 йил 25 октябрдаги Вазирлар Маҳкамасининг 561-сон қарори

“Миллий “яшил” иқтисодиёт таксономияси”. Бу қарор яшил фаолият турларини таснифлаш ва уларни молиялаштириш мезонларини белгилайди.

3. 2023 йил 29 сентябрдаги Вазирлар Маҳкамасининг 517-сон қарори

Яшил иқтисодиётни бошқариш бўйича махсус бўлинмалар ташкил қилиш.

Яшил иқтисодиётни рағбатлантиришда солиққа тортиш

Бугунги кунда яшил иқтисодиёт учун солиқ тизими қуйидагиларни қамраб олади:

Экологик солиқлар:

2023 йилдан ҳаво ифлосланиши учун чиқиндиларни камайтириш мақсадида янги экологик солиқлар жорий қилинди.

Солиқ имтиёзлари:

Қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий қилган корхоналар учун солиқ ставкаси камайтирилди.

Инвестицияларни рағбатлантириш:

Яшил лойиҳалар учун солиқ қайтимлари ва фоизсиз кредитлар тақдим этилмоқда.

Хусусан “яшил иқтисодиёт” солиқ соҳаси билан тўлиқ ўрганишда халқаро тажрибаларда бир нечта давлатлар миқёсида кўриш мумкин.

Шунингдек, тажрибалар асосида БМТнинг “Central Asia Green Economy Policies” ҳисоботлари ўрганилиб улар асосида бир нечта жадваллар ва солиштирмалар тайёрланди қуйида халқаро тажрибаларни кўриш имкони мавжуд. Германия қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш учун катта ҳажмда субсидиялар ажратиши ҳамда экологик солиқларни самарали қўллашда фойдаланиши. Шу билан бирга, Швеция давлати 1991 йилда карбон солиқлари жорий этганлиги бу эса, ўз навбатида иқтисодиётнинг карбон чиқиндилардан камроқ боғлиқ бўлишини таъминлашга олиб келган.

**1-жадвал.**

**Карбон солиқларининг самарадорлиги (халқаро тажриба)**

Т/Р	Давлат номи	Солиқ тури	Самаралари
1	Германия	Карбон солиқлари	Қайта тикланувчи энергия улуши 45% га ошиши
2	Швеция	Карбон солиқлари	Углерод чиқиндиларини 30% га камайтирди
3	Франция	Лицензия ва чиқинди солиқлари	Ифлосланиш 25 % га камайтирилди

Карбон солиқлари халқаро миқёсда атроф-муҳит муҳофазасида самарали восита сифатида тан олинган. Жадвалда кўрсатилганидек, Германияда карбон солиқлари қайта тикланувчи энергия манбаларининг улушини 45% га оширишга ёрдам берган. Швецияда эса ушбу солиқлар углерод чиқиндиларини 30% га камайтириш имконини берган. Францияда лицензия ва чиқинди солиқлари ифлосланишни 25% га қисқартиришда муҳим роль ўйнаган.

Бу мисоллар карбон солиқлари экологик барқарорликни таъминлаш ва қайта тикланувчи энергиядан фойдаланишни рағбатлантиришда қандай самарали бўлишини кўрсатади. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистонда ҳам карбон солиқларини жорий қилиш орқали атроф-муҳитни муҳофаза қилиш мақсадларига эришиш имкониятлари катта.

Ўзбекистоннинг истиқболли лойиҳалари

–Қайта тикланувчи энергия манбалари учун 15 ГВт қувватни ошириш;

–Саноатда энергия тежовчи технологияларни кенг жорий қилиш;

–Қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологиялар учун имтиёзлар жорий қилиш.

2-жадвал.

**Ўзбекистон истиқболли мақсадлари асосида 2030 йилгача амалга оширилиши режалаштирилган мақсадлар жадвали**

Т/Р	Мақсад	Кўрсаткич	Муддат
1	Қайта тикланувчи энергия улуши	Электр ишлаб чиқаришда 30%	2030 йил
2	Иссиқхона газлари чиқиндиларини қисқартириш	35 %	2030 йил
3	Энергия тежамкор технологияларни жорий қилиш	Барча саноат корхоналарида	2030 йил

Ушбу жадвалдан кўриш мумкинки Ўзбекистоннинг 2030 йилгача амалга оширилиши кўзда тутилаётган истиқболли мақсадлари ифодаланган.

Асосий мақсадлар куйидагилардан иборат: электр ишлаб чиқаришда қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 30% га етказиш, иссиқхона газлари чиқиндиларини 35% га қисқартириш ҳамда барча саноат корхоналарида энергия тежамкор технологияларни жорий қилиш.

Бу мақсадлар мамлакатнинг барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилган муҳим қадамлардир.

Ушбу ҳолатларни ҳозирда ривожланишдаги муаммолар ва тўсиқлари куйидагилардан иборат:

1. Солиқ сиёсати ҳали етарлича самарали эмас.
2. Молиявий ресурсларнинг етишмаслиги.
3. Жамоатчиликнинг паст даражадаги хабардорлиги.

Мавжуд тўсиқ ва муаммоларни бартараф этишда тавсиялар

1. Экологик солиқларни кенгайтириш Карбон чиқиндилари учун юқори солиқ ставкалари жорий этиш;
2. Хусусий секторни жалб қилиш инвесторлар учун солиқ қайтимлари ва имтиёзлар бериш.
3. Аҳолини хабардор қилиш яшил иқтисодиётнинг аҳамияти ҳақида маълумот кампаниялари ўтказиш.

Умумий хулоса

Ўзбекистоннинг яшил иқтисодиётга ўтиш бўйича қабул қилган стратегиялари барқарор ривожланишни таъминлашга қаратилган муҳим қадамдир.

Солиққа тортиш тизимининг такомиллаштирилиши орқали экологик мақсадларга эришиш ва иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш мумкин.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 декабрдаги
2. 2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислохотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисидаги ПҚ-436-сон қарори. <https://lex.uz/docs/6303230>
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил
4. 25 октябрдаги Миллий “яшил” иқтисодиёт таксономиясини тасдиқлаш тўғрисидаги 561-сон қарори <https://lex.uz/ru/docs/6644013>
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил
6. 29 сентябрдаги “Яшил” истеъмол кредити бўйича фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги 517-сон қарори <https://www.lex.uz/ru/docs/6623323>
7. БМТнинг “Central Asia Green Economy Policies” ҳисоботи, 2023 йил. <https://greencentralasia.org/>
8. International Energy Agency (IEA) ҳисоботи, 2023 йил. <https://www.iea.org/reports/world-energy-outlook-2023>